O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 1 июн

22 (195)- сон

## ҚИРҒИЗИСТОНДА ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Қирғизистонда май гуркираган. Тез-тез ёғиб ўтаётган ажиб ёз ёмғирлари, осмонда пайдарпай сузган оппоқ серсув булутлар тоза ҳаволарни янада тозартиради, кўкни янада кўклайди, мовийликка ўта мовийлик ато этади.

— О-ОҲ! Қаймоқнинг ўзи-я! — деб қўяди тўлиқиб кетган кекса адиб. Сарин, муаттар ҳаво одамни тўлиқтиради. Олатов чўққиларига қор бўралаётгани кўриниб туради. Тонг азонда осмон тиниқ пайтда қарасангиз, қор қуюнлаган Олатов чўққилари худди қирғизнинг кигиз тумоғига ўхшаб ётади. Нақадар қирғизга ўхшайди бу Олатов! Нақадар қирғизнинг тумоғига менгзайди бу мангу қорлар!

1999 йил май ойининг 26—27 кунлари Қирғизистон ўзининг улуғ фарзанди, дунёга машҳур адиб ва жамоат арбоби, академик Чингиз Айтматовнинг қутлуғ 70 ёшини кенг миқёсда нишонлади. Чингиз Айтматовнинг номи ва асарлари шон-шарафларга чулғанган. Унинг асарлари дунёнинг 154 тилига таржима қилинган ва севиб ўқилмоқда. Ер юзидаги интеллектуал ҳаётнинг ноёб ҳодисаларидан бири шундан иборатки, Чингиз Айтматовнинг асарлари жуда кўп дунё мамлакатларининг мактаблари ҳамда олий таҳсил даргоҳлари ўқиш дастурларига киритилган. Айтматовнинг «Жамила», «Биринчи муаллим», «Она-Ер», «Фудзиямага чиқиш», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» сингари асарлари асосида яратилган саҳна асарлари Вашингтон ва Истанбул, Токио ва София, Варшава ва Берлин, Бухарест ва Прага, Лондон ва Москва театрларида муваффақият билан ўйналмоқда.

26 май куни Бишкекда Қирғизистон Республикасининг Миллий академиясида «Чингиз Атматов ва жаҳон маданияти» деган мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан келган олимлар Айтматов ижодининг ва фаолиятининг дунё маданиятларига таъсири хусусида бирбиридан қизиқарли маърузалар қилдилар. Ўзбек олими Лазиз Қаюмов Чингиз Айтматов асарлари тематикаси, поэтикаси ва проблематикаси ҳақида сўз юритди. Шу куни Қирғизистон Миллий кутубхонасида «Биз, дунёни янгилаймиз, дунё бизни янгилар» деган шиор остида китоблар ҳамда суратлар кўргазмаси, Қирғизистон давлат тарихий музейида Айтматов ижодига бағишланган баҳорий бадиий санъат кўргазмаси очилди. Кўргазмаларнинг очилиши катта илмий-адабий анжуман тусида ўтди. Уларда дунёнинг турли қитъаларидан келган адиблар, олимлар, санъаткорлар, таржимонлар, давлат арбоблари сўзладилар.

Ўзбекистондан келган Миллатлар маркази қирғиз ҳамда қозоқ шуъбаларининг фаол намояндалари, Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг вице-президенти, таниқли адиб Одил Ёқубов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, халқ шоири Абдулла Орипов, Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига таржима қилган адиб Иброҳим Ғафуров ушбу анжумаларда улуғ адибни қутладилар.

27 май куни республиканинг ҳашаматли опера ва балет театрида Чингиз Айтматовнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Кеча «Инсон қандай қилиб инсон бўлади?» деган жуда ёркин ва теран театрлаштирилган томошалар билан очилди. Унда адиб ҳаётига бағишланган ноёб ҳужжатли филм намойиш этилди. Адиб асарларидан гўзал ва юксак таъсирчан эпизодлар ўйналди.

Тантанали кечада Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев қатнашиб, қирғиз ва рус тилларида адиб ижодининг миқёси ва моҳияти хусусида сўз айтди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Чингиз Айтматовни «Буюк хизматлари учун» юксак нишони билан тақдирлангани тўғрисидаги Фармон ўқиб берилди. Фармонни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ўқиб, Президентимизнинг совғалари ва юксак нишонни адибга бутун залнинг гулдурос олқишлари остида топширди. Президентимизнинг Фармони ва олий даражадаги совғалари бутун ўзбек халқининг Чингиз Айтматовга бўлган меҳру муҳаббатини тўлиқ ифодалади. Залда ўтирган атоқли намояндалар ҳам, бутун қирғиз халқи ҳам бунда асрий қардошлигимиз, биродарлигимиз, туғишганлигимизнинг ҳароратини тўла ҳис қилдилар. Абдулла Орипов ўқиб берган «Айрилмас» ғазали ҳам йиғилганларда туғишганлик кайфиятларини жўш урдирди. Шу тантанали анжуманда Қирғизистон Президенти Аскар Акаев топширган Биринчи даражали «Манас» ордени билан Ўзбекистоннинг «Буюк хизматлари учун» порлоқ нишони бутун кеча давомида улуғ адибнинг кўксини безаб турди. Бунда ҳам жуда ноёб биродарлик рамзи яққол кўзга ташланарди.

Ажиб мазмундорлик ва руҳий-маънавий кўтаринкилик билан тўлган бу ёркин байрамона тантаналарда Чингиз Айтматов дунё адиби даражасига кўтарилганлиги ҳар қадамда намоён бўлиб турди.

Адибнинг ўзи ҳам, унинг улуғвор асарлари ҳам дунё халқлари ўртасида элчилик қилмоқда, инсонларни бир-бирларига яқинлаштирмоқда, ҳамкорликка, сабр-тоқат билан ишлаш ва яшашга чорламоқда.

**Ўз мухбиримиз**

*1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*



Болаликни беғубор осмонга менгзайдилар. Бола нигоҳини эса келажакка қиёс этадилар. Осмони мусаффо, ҳаёти тинч бола келажакка ишонч билан қарайди.

## МИТТИ ЮРАКЛАРНИНГ УЛКАН ОРЗУСИ

**Қўнғироқ чалинади. Болалар орзу дунёсига кирадилар.**

**Биринчи дарс бошланади. Ўқиш дарсида бирин-кетин бийрон болалар шеърлар ўқийдилар. Она, Ватан, табиат, муаллимлар ҳақида болаликнинг беғубор таҳсинлари янграйди.**

**Қўнғироқ чалинади.**

**Иккинчи дарс. Болалар доскага маржондай қилиб Она, Ватан, она тилим, сўнгги қўнғироқ деб битадилар. Қарсаклар янграйди. Устоз ўқувчиларига «балли» деб мақтов айтиб туради.**

**Яна қўнғироқ. Математика дарсида топишмоқлар, жумбоқлар, савол-жавоблар баҳси қизийди. Рақамлар «сўзлайди», «сирларини очади».**

**Сўнг инглиз тили дарсида тийран болалар шеърлар, қўшиқлар, кичик саҳналар ижро этдилар. Болалик лаҳжасида бу тил яна ҳам жозибали эшитилгандай.**

**Танаффусларда қувноқ ўйинлар даврага киради. Халқ оғзаки ижоди намуналари барчанинг кўнглини кундай равшан қилади.**

**Энг ҳаяжонли дақиқалар етиб келади. Сўнгги қўнғироқ янграйди. 426-боғча-мактаб мудираси, халқ таълими аълочиси Мастура Мусаева аълочи ўқувчиларга ғолиблик лентасини тақади. Китоб ва чиройли истаклар ёзилган мақтов қоғозини топширар экан, ҳар бир ўқувчининг фазилатларини айтиб, уларнинг пешонасидан ўпиб қўяди.**

**— Келажакда ким бўласан? — Ситорадан сўрайди устоз.**

**— Министр бўламан.**

**— Сен-чи, Отабек ўғлим?**

**— Мен Президент Ислом Каримов бўламан, — дейди Отабек фахр билан.**

**— Банкир бўламан, — дейди Муҳаббат.**

**— Прокурор бўламан, — дейди Фарҳод.**

**— Завод директори бўламан, — дейди Файзулла.**

**— Шифокор бўламан, — дейди Дурдона.**

**Парвиз бизнесмен, Шаҳноза тиш доктори бўламан деса, Шаҳло, мен малика бўламан, дейди эркаланиб...**

**Боғча-мактабнинг тажриба 1-синфини битирган ўқувчилар инглиз тили, мусиқа дарслари, компютер сабоқлари билан ошно бўлдилар. Устозлар Маҳфуза Миржалолова, Луиза Шомуҳамедова, Олмос Қиличев ва Ферузахон, Раҳимахонлар ўқувчиларнинг самимий, меҳрибон дўстларига айланишди. Бир йил боликни билимлар дунёсига, ўзни топиш йўлига олиб кирди. Дилда орзу ғунчалади. Орзу эса Болаликни улғайтиради. Мўъжиза соати — сўнгги қўнғироқ байрами катталарни болалик дунёсига олиб кирди....**

**Жажжи қалбларнинг завқ каби қайноқ ғурури улар ижросидаги давлатимиз мадҳиясида қўнғироқдай овозларига бўйлашиб кетди.**

**О. ОТАМУРОДОВА**

## ШАЛЕЙЛА ХОНИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**Янги минг йилликда инсон саломатлигини сақлаш вазифалари нималардан иборат бўлади? Қандай касалликлар кўпроқ юзага чиқади ва уларнинг олдини олиш, даволашда қандай йўналишлар белгиланади?**

**Ҳаммадан олдинда юқумли ва юқумсиз касалликларга қарши кураш туради. Инсоният бу курашда ўзининг янги кураш усуллари ва соғлиқни муҳофаза қилишнинг янги қуролларини топиши керак. Соғлиқни сақлаш соҳаларида янги-янги муаммолар ҳам пайдо бўлиши мумкин.**

**Инсоният бугун ҳеч қандай чегаралар, тўсиқлар, касалликлар тарқалишини тўхтатиб қололмаслигини билади. Шунинг учун дунё давлатлари глобал ҳамкорликни кучайтиришлари ва глобал тизимларни мустаҳкамлашлари кун тартибида турибди. Биз соғлиқни сақлаш соҳасида миллий ҳамда минтақавий кузатишларни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти етакчилигида кучайтира боришимиз зарур. Шундай қилганда ер юзидан безгак ва сил сингари жуда оғир касалликларни йўқотиш, уларга барҳам беришга эришамиз. Полиомиелит (асаб тизимидаги фалажлик) сингари касалликларга қарши курашда муваффақият қозонамиз.**

**Аёлларнинг медицина тизимлардан ҳар доим тўла фойдалана олишларига эришиш, болаларни чекиш балосидан асраш энг долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, XXI асрда тамаки чекиш дунёдаги касалликларнинг бош сабабчисига айланади. Ҳар саккиз ўлимдан биттаси тамаки билан боғлиқ бўлади. Жаҳонда тамакисиз ҳаёт учун кураш олиб бориш вақти етди.**

**Биз шулар билан бир қаторда беотерроризм хавфига ҳам ишончли тўсиқ қўйиш қудратига эга бўлишимиз керак. Микроблар ҳар қандай тўсиқларни осон ёриб ўтишини ҳисобга олсак, бу инсоният олдида қанчалар катта муаммо бўлиб турганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ақл-идрокимиз ва иродамизни олдимизда турган шундай вазифаларни ҳал қилишга йўналтирайлик.**

**АҚШ соғлиқни сақлаш вазири Донна Шалейла хоним Жаҳон Соғлиқни сақлаш ассамблеясининг яқинда ўтган 52-сессиясида шулар ҳақида гапирди.**

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## — ПАРТИЯМ, ҚАЙДАСАН?

## — ҚАЙНА, САН!

***Аксар сиёсий партиялар ўз ҳаётларида қийин шаклланиш жараёнларини бошдан кечиришмоқда. Айниқса, сиёсий фаолият учун зарур маблағларнинг етишмаслиги, иш юритувчи тузилмаларнинг фаол, бақувват, ҳаракатчан катта майдон фаолияти учун мос тарзда қурилмаганлиги, партиявий ишга эскича қарашлар, эскича андозалар ҳамон тугамаганлиги билиниб қолмоқда.***

***Аммо одамлар ўртасида қандай ишлаш керак? Уларни сиёсий фаолиятга қандай жалб этиш йўллари, усуллари қандай? — деган саволлар ҳар бир сиёсий партия ташкилотлари аъзолари етакчилар олдида кўндаланг бўлиб турибди. Жойлардаги ишларга чуқурроқ назар ташлаш эҳтиёжи туғилмоқда.***

***Бугун «МТ» ўз Сурхондарё мухбирининг репортажини эълон қилмоқда. Бунда тилга олинган камчиликлар бошқа ташкилотларда, хусусан, Марказий Кенгаш ишида ҳам мавжуд. Газета бундан буён жойлардаги партия ташкилотларининг дастурий иш йўналишлари ҳақида мунтазам чиқишлар қилишни режалаштирди.***

***Етакчиларимиз, аъзоларимиз, хайрихоҳларимизни очиқ суҳбат, баҳсга чорлаймиз.***

Бизда жамоат ташкилотлари ва айниқса, сиёсий партияларнинг, жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳаётимиздаги ўрни қандай — деган саволга кўнгил тўлиб жавоб бероламизми? Агар сиёсий партиялар бизнинг ҳаётимиз ва биз ўз навбатида сиёсий партиялар сафидан ўрин ишғол қилолмаётган бўлсак — бунинг сабаблари нимада — деган саволга жавоб излаб Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши фаолиятини ўрганишга жазм этдик. Гарчи Миллий тикланиш демократик партиясининг вилоят бўлимининг иш фаолияти биз кутган, ўйлаган даражада бўлмаса ҳам, ушбу мавзуни газета саҳифаларига олиб чиқишга жазм қилдик.

Ёдингизда бўлса, газетанинг 1999 йил 26 январ сонида «МТ» бош муҳаррирининг «Партия нимани ваъда қилади?» номли мақоласи берилган эди. Дарҳақиқат, партия жамиятга жамоатчиликка, ўз аъзолари, тарафдорларига нималарни ваъда қилади? Бизнинг фикримизча, илғор демократик ғоялар, мамлакат олдида турган, Президент томонидан белгиланган вазифалар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъана ва урф-удумлар, халқнинг янгиланаётган онгига суянган Миллий тикланиш партияси ҳам Республикада мавжуд бошқа сиёсий партиялар сингари мамлакат тараққиётининг стратегиясини кўзда тутиб истиқболли иш олиб боради: шўро режими даврида уйқуга чўмган буюк тарихни уйғотади: истакларимиз, юракларимизнинг туб-тубларига чўкиб кетган манфаатларимиз, ҳақ-ҳуқуқларимизни юзага чиқаришга кўмаклашади.

Келинг, холис тан олайлик. Ушбу бир қарашда кўтаринки бўлиб кўринадиган, лекин аслида ҳаётимизнинг маъноси, мағзини белгилайдиган вазифаларни тўла ўзлаштирганмизми? Ҳаётимизни уларга мослаштирганмизми?

Минг афсуски, ҳамма вақт ҳам бу каби саволларга ватандошларимизнинг кўзига тик қараб, тасдиқ жавобини айта олмаймиз. Бунга асосий сабаблардан бири партиянинг жойлардаги бўлимлари фаолиятидаги сустлик бўлса, ажаб эмас.

Ана шу сустлик боис сиёсий партиялар жойларда ўз қўри атрофига фуқароларнинг табақаларини ёркин жалб қилолган эмас. Улар фаолиятидан саноқли одамларгина хабардор. Яшириб нима қилдик. Кўп ҳолларда уларнинг тўлақонли сиёсий фаолият олиб боришлари учун билишимча, ҳатто марказий ташкилотда ҳам маблағлари йўқ, манзилгоҳлари, идора аппаратлари ҳам тўла шаклланган ҳаракатчан эмас. Партиянинг асосий вазифаси йўл-йўлакай уюштирилаётган айрим тадбирлар ўтказишдангина иборат, деб ўйлаш хато, албатта. Ҳар бир сиёсий партия Президентимиз айтганидек, нима учун курашаётганини аниқ билиши ва кишиларни шу кураш атрофига уюштириши зарур. Таассуфки, МТДПнинг Сурхондарё вилояти бўлимида ҳали ҳанузгача бу ҳақиқат тўла ўзлаштириб олинмаган.

Партиянинг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ҳурматли Бахтиёр Сатторов билан суҳбатимизда партиянинг ўз Низоми ва дастури асосида олиб бораётган ишлари устида фикрлашдик: 1998 йилда вилоят шўъбаси бошқа ташкилот ва муассасалар билан партия ўртасида самарали ҳамкорликлар ўрнатишга интилган, шу баҳонада ислоҳотлар жараёнида ўрни, овози, салмоғига эга бўлишга, сиёсий-ижтимоий қиёфа касб этишга уринмоқда. Лекин бу ишлар гуркираб ўсиб-ривожланмай куртаклаганча турибди. Вилоят партия шўъбаси фаолиятида аллақандай журъатсизлик кўзга ташланади. Жон куйдириб олдинга чиқиш, ташаббускорлик билинмайди. Жамоатчилик ҳам бу ҳолга ўзи аслида шундай бўлиши керакдай қарайди.

«МТ» мухбирингизга ҳурматли Б. Сатторов билан учрашиш ҳам осон бўлмади. Учрашув чўзилиб, бунга бир ою ўн кун деганда муяссар бўлдик. «Илтимос, фақат шу бир-икки кун ичида бизга тегинмай туринг — ҳозир йилнинг боши... ишлар кўп... бу ёғи Тошкентдан комиссия келган... Шунга, бироз сабр қилиб турсангиз, сўнг бемалол суҳбатлашамиз», — мазмунидаги гап кўнглимизни эритиб юборди. Ва сўнг бир ой кутдик.

Мухбирингиз тушунади. Бахтиёр Сатторов вилоят тижорат «Ғаллабанк»ида масъул вазифада ишлайди. Иши ғоят кўп. Партия ишларига имкон борида вақт ажратади. Республиканинг қатор газеталари мухбирлари пайдар-пай қўйган саволларга тўла жавоб беришга вақт ажрата билган давлатимиз раҳбарининг юмушлари кам деб ўйлайсизми? Бошқа катта-кичик масъулиятли раҳбарлар ҳам ўз иш-юмушларига шундан ўрнак олиб қарасалар бўлмасмикин, дейсиз. Тўхтовсиз мажлис, анжуман қилиб, реал ишларни галга солиб юраверишдан кимга фойда?

### Партия ҳаёти

1998 йилда партиянинг вилоят бўлимида аъзолар сони бир кишига ҳам кўпаймаган. Сиёсий фаоллик билан боғлиқ ишларнинг чўғи ҳам унчалик баланд эмас. Ўтган йилнинг партия фаолиятидаги бир ютуқли томони, Наврўз байрамига бағишланган шанбалик уюштирилиб, 22 минг сўм миқдорида ҳисоб-рақамига пул туширилган. Энг ачинарли томони: на республикада, на маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган. Нега вилоят ва шаҳар бўлимлари ўз фаолиятларини «МТ»да мунтазам ёритиб бормайдилар? Нега газета мурожаатлари сассиз қолиб кетаверади. Ҳолбуки, худди мана шундай тарғибот-ташвиқот ишларидан вилоят бўлимлари яқиндан ўта манфаатдор бўлишлари керак эди. Аниқ бир иш дастурига эга бўлмаганлиги туфайли партия бўлими ўзининг ваколати доирасида фаолият юрита олмаяпти.

Шу ўринда тўртинчи март куни ҳурматли Б. Сатторов билан кечган мулоқотимиздан икки оғизгина келтириб ўтишни жоиз, деб билдик.

— «Миллий тикланиш» газетасини ўқиб борасизми?

— Ҳа...

— Унинг қайси жиҳатлари сизга ёқади?

— ...

— Сурхондарёда 2450 нафар аъзоси бўлишига қарамасдан вилоятимизда партия газетаси «Миллий тикланиш»нинг обунаси бир-икки йилдан буён ғариб кечаётганлигининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— ...

Саволларимиз шундай жавобсиз қолди. Сиёсий партиялар, жумладан, МТДП партия ишини жондан севадиган, унга берилган, жонкуяр, ғайратли кишиларга муҳтож. Улар билан гуллаб-яшнайди. Сиёсий партияга аъзо бўлган инсон мен фаол жамоатчиман, етакчиман! — деб айта олсин, фаоллик, етакчилик масъулияти эл-юртга хизмат қилиш масъулиятига уланиб кетади. Етакчилар, сизлар қандайсиз! — деб хитоб қилгим келади: келинг, юртимизга, сиёсатимизга, зиммамизга олган бурчларимизга муносиб бўлайлик! Сиз нима дейсиз, етакчилар!

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**
**Сурхондарё**

## ЭРК ИФОРИ

*«Саодат»нинг 3-сони чиқди*

Эрк ифори бор озод юрт аёлларининг гулгун чеҳраларида, дейсиз «Саодат» муқоваларида турфа либос, нурафшон нигоҳлар ила яшнаб турган опа-сингиллару онахонларимизни рангин тасвирларда кўриб.

**Чуқурроқ қувонинг Ватан кўркига,** — деб қалбингизга қуйилади шсира Қутлибеканинг кўркли сатрлари, («Чорлов» шеъри). Озодликнинг қадри — озод аёлнинг ҳам қадри. «Аллоҳ инсон зуваласига озодликдай ҳаётбахш нурни қориб яратган. Ана шу нурнинг қудрати борки, одамзод ҳаётни севади» деб ёзади таниқли шоира Ойдин Ҳожиева. «Озодлик юлдузи» мақоласида. «Саодат»нинг чорлови «Огоҳ бўлинг одамлар» рукни остида саҳифалар аро журналхон аёлларимизнинг турфа мулоҳазаларини ёритиш билан давом этган.

Журналист Г.Жамилованинг ЎзФА мухбир аъзоси, Ижтимоий Фикр маркази директори Раъно Убайдуллаева билан қилган суҳбати орқали мамлакатимизда ўтказилган социологик тадқиқотларнинг ҳамма учун қизиқарли ва қувонарли натижаларини билиб оласиз. Шоира Шарофат Ашурованинг «Хатар» белгили ёзув» ҳикояси узоқ тарихий асрлардан боқиб жамолига уйғун ақлу закоси билан ҳамманинг мангу ҳавасига айланган Сароймулкхонимнинг кўнгил қатлари ила яна бир сирлашув каби диққатингизни тортади.Ушбу сонда Гулнора Раҳмоннинг Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси, рассом Турсунали Қўзиев билан шу соҳа ижодкор аёлларининг юксак иқтидори ҳақидаги суҳбатини ўқийсиз ҳамда унинг ижодкор оиласи билан танишасиз.

«Дунё сизга ўхшасин аёллар!» — дейди Ўзбекистон Халқ артисти Муяссар Раззоқова «Саодат» орқали севимли мухлисларига «Мен сиз учун куйлайман» номли суҳбат мақолада. Назаримизда унинг қўшиқлари ҳам шу юрак ҳайқириғининг тиниқ наволардаги нафис ифодасига ўхшайди.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Онаизорларим» сарлавҳали хотира-чиқиши, шоиралар Кубробегим, Нигора Файзиеваларнинг шеърлари, «Жаҳонга машҳур хонимлар», «Ассалом муҳаббат!, Хайр муҳаббат!», «Гендер»дан хабардормисиз?», «Уйимнинг фариштаси», «Изҳори дил» рукнлари остида қизиқарли, мулоҳаза уйғотувчи материаллар ва бошқа диққатга лойиқ чиқишлар эълон қилинган.

Юртимиз аёлларининг қадрдони «Саодат» ана шундай озод ва озода сўзлар, озод қўшиқларда аёл қадрини улуғлаб, туйғуларга тўлқин бериб, нурли нигоҳларингизга бир санъат каби талпиниб турибди.

**Д.МАТКАРИМОВА**

## ДАРЁ ТЕСКАРИ ОҚМАЙДИ

«МТ»нинг 1999 йил 3 апрел куни 14 (187)-сонида газета мухбири Холли Норбоевнинг «Тескари оққан дарё» номли мақоласи чоп этилган бўлиб, унда Қашқадарё вилояти, У. Юсупов туманининг Миришкор қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳ. Ҳамидовнинг жиноий иши бўйича тергов ва суд органлари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар баён этилган эди. Шу муносабат билан таҳририятга Республика Прокуратурасидан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:

Ушбу жиноят иши юзасидан Усмон Юсупов туман судининг 1998 йил 4 ноябр куни фуқаро Ҳ. Ҳамидовга нисбатан чиқарган ҳукмига кўра у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-модда 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган ва шу муддат давомида унинг ойлик иш ҳақидан 30 фоизи давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. Жабрланувчи Ҳ. Камоловнинг суд ҳукмидан норози бўлиб ёзган шикоятига кўра мазкур жиноий иш 15.02.98 йилда вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, ҳукм кучида, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Аниқланишича, айбланувчи Ҳ. Ҳамидов 1998 йил 22 август куни соат 11 ларда бир кўчада қўшни бўлиб яшовчи фуқаро Ҳ. Камолов билан отаси ва турмуш ўртоғи С. Очиловлар жанжаллашиб туришганини кўриб, уларнинг ёнини олиш мақсадида 1-гуруҳ ногирони Ҳ. Камоловни уриб, тепиб, ерга йиқитиб, унинг соғлигини узоқ муддатга бузилишига сабаб бўлган. Жиноят ишини назорат тартибида ўрганиш натижасига кўра Қашқадарё вилояти прокурори томонидан вилоят суди Раёсатига Ҳ. Ҳамидовнинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан нотўғри тавсифланганлиги ва ишни тергов қилишда ҳамда судда кўришда қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилиб, жиноий иш юзасидан қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида протест киритилди. Шунингдек, мазкур жиноят ишининг Раёсатда кўрилиши назоратга олинди.

**Б. ПЎЛАТОВ,**
**Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасининг бошлиғи**

# БИЁБОНДАГИ БАХТИЁР ШАҲАР

*Учқудуқ репортажи*

Чўл бағрини кесиб ўтиб, уфққа қадалган йўлдан машина елиб боради. Қақраб ётган кенглик, саксовуллар, кенглик саксовуллар...

Бошқа нарса йўқ. Бир қараганда шундай туюлади. Агар кинооператор ёки рассом кўзи билан назар солсангиз, чўлнинг ягона ўсимлиги бўлмиш саксовулларнинг яшил, нафармон, ним пушти, олтинранг товланиши, тупроқ эса жигаррангдан тўқ-кўкка, яшил ва очиқ қизил рангларга худди атайлаб бўялгандай, яхлит-яхлит ўтиши ҳайратга солади.

Агар бу чексиз-чегарасиз саксовулзорлар, биёбон ҳур Ватанимизнинг муқаддас ва бокира кенгликлари эканлиги ҳақида ўйласангиз, ҳар бир қаричига юзингизни босгингиз, илонлару, тошбақалар, эчкиэмарларининг бошини силагингиз келади. Агар шу кенгликлар остида яшириниб ётган олтин, руда, волфрам, мармар ва ҳар хил ёқут, зумрад каби қимматбаҳо ёнартошлар ҳақида мушоҳада қилсангиз, шундай улкан ва қудратли мамлакатнинг фарзанди эканлигингиздан кўксингиз ифтихорга тўлади.

Яна бир нарса эътиборингизни тортади-ки, негадир ичкарилаган сайин майдалашиб кетган саксовуллар йўл бўйига яқинлашган сайин, яшилроқ ва бўлиқроқ... Ҳеч қандай суғориш тизими бўлмаса ҳам.

Биз қўшиқларда куйланган Учқудуқ шаҳри томон кетяпмиз. Шаҳарнинг кираверишида уч қудуқ рамзи ўрнатилган. Қадимда бу биёбонда карвон йўлида учта қудуқ бўлган экан. Узун қудуқ, кўк қудуқ ва кўл қудуқ. Рамзлар шунга монанд. Кўл қудуқ рамзи остидан сув яқин атрофдаги дов-дарахтларга обиҳаёт бўлиб таралади. Шу ердан шаҳар ҳаёти бошланади. Одатда олдин йўлингиз тушмаган шаҳарга борсангиз, бозорининг тўкин-сочинлигию, нарх-навосига қараб, аҳолининг яшаш ва ижтимоий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз мумкин. Шаҳар бозоридаги ҳўл мева ва сабзавотларнинг хилма-хиллиги ва арзончилик бизни ҳайратга солди. Нарх-наво пойтахт бозорларидагидан сезиларли даражада паст эди. Шаҳарни кезар эканмиз, бир нарса диққатимизни тортди. Шаҳарда дарахт кўп, аммо ҳаммаси фақат қайрағоч эди. Уйлар асосан тўрт қаватли, икки қаватли қилиб қурилган. Уйлар олдидаги одатий яшил деворлар ўрнига саксовул экилган. Кўчаларда анвойи гулзорлар у ёқда турсин, чучмома ҳам очилмас экан.

Қизиқ, шаҳарда бирор бир мевали дарахт ёки сабзавот ўсмас экан (эҳтимол бордир, бироқ биз кўрмадик) бозордаги турли-туман кўкатлар, сабзавотлар, қулупнай каби сувсевар мевалар қаёқда етиштирилади?

Бизни шаҳарликларнинг ўз шаҳарлари ҳақидаги фикри қизиқтирди.

**Шаҳар ва туман ҳокими Аҳтам ЭРГАШЕВ:**

— Аввало ҳўл мева ва сабзавотлар бизга қўшни вилоятлардан келтирилади. Шаҳримиз бозорида деҳқонлардан жой пули ва солиқ олинмайди.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах каби вилоятлардан келаётган сабзавот ва мева ортган деҳқонларнинг машиналарини бўлар-бўлмасга тўхтатиб, вақтини олишни ДАН ходимларига ман қилганмиз.

Шаҳримизда 40 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ўзбеклар, руслар, қозоқлар, озарбойжонлар, молдованлар, татарлар, немислар, бошқирдлар, тожиклар, қорақалпоқлар, корейслар яшайди. Шаҳарда клублар, кинотеатрлар, спорт мажмуалари, бассейнлар доимий ишлаб туради. Катта ва кичик иккита стадионимиз бор. Битта командамиз олий лигада ўйнаяпти. Битта мусиқа мактаби, иккита санъат саройи мавжуд. Тўйлар асосан ресторанларда ўтказилади. «Дўстлик» ва «Дружба» деган иккита газета қозоқ ва рус тилларида чоп этилади. «Интилиш» деган газета ўзбек тилида чоп этишни режалаштирганмиз.

Турли объектларда ишлайдиган мутахассислар тайёрловчи билим даргоҳи кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келяпти.

Мамлакатимизнинг марказий телевидениесидан узилмаган ҳолда, ҳафтада уч марта ТВ-6 кўрсатувлари тўхтатилиб, шаҳар маданий ҳаёти зангори экранда намойиш қилинади.

Аҳоли яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида янги қурилаётган уйларни ҳовли типида бир-икки қаватли қилиб қуряпмиз. Токи одамлар ҳовлида қорамол ва парранда тутишларига шароит бўлсин. Шунингдек, экин-тикин қилиш учун ҳам имконият яратиш мақсадида Мингбулоқдан 60 километрлик сув қувурлари тортиб келяпмиз. Айни пайтда аҳоли истиқомат қилаётган уйларда иссиқ-совуқ сув бир соат бўлса ҳам тўхтаб қолишига йўл қўяётганимиз йўқ.

Гўшт-мойдан камчилигимиз йўқ, аҳолининг 14 минги чорвачилик билан шуғулланади.

Шаҳар ҳокими энг юқори ва энг паст маош ҳақидаги саволимизга сирли жилмайиш билан жавоб қайтарди.

**Качкалов Иван ЕВДОКИМОВИЧ, Учқудуқда 46 йилдан буён истиқомат қилади, Руда кон бошқармаси тартиб-қоида мутасаддиси ўринбосари:**

— Шаҳримиз тинч ва осойишта. Ишчиларимиз ҳам, аҳоли ҳам ҳар хил миллат вакиллари бўлишига қарамасдан, ўзаро нифоқлашишдан бегона. Ёш-яланглар иш билан тўлиқ таъминланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг фаровонлик сиёсати бу ерда тўла амалга киряпти. Биз ҳозир қандай яшаётган бўлсак, шундай яшашни хоҳлаймиз. Мен ўзимни шу шаҳарнинг кекса фуқароси сифатида ёшлар тарбиясига ҳам виждонан масъул деб биламан. Ва ёшларимиз онгига ватанпарварлик ғояларини сингдиришга ҳаракат қиламан.

**Ойдин ШАРИПОВА, бензаколонка маликаси:**

— Ўзим шаҳар транспортини ёқилғи билан таъминлаш шахобчасида ишласам ҳам, адабиётни жуда яхши кўраман. Бизгача етиб келадиган барча газета ва журналларни ўқийман. Шаҳримиз телевидениесига кўрсатувлар тайёрлашда доим ёрдамлашаман. Уйимизнинг тўрида Президентимиз Ислом Каримовнинг сурати осиғлиқ турибди.

**Лидия Николаевна ШИШОВА, 28 йилдан буён Учқудуқда яшайди. Терапевт-шифокор:**

— Мен бу шаҳарни биринчи келган кунимданоқ севиб қолганман. 1971 йилдан буён шу шифохонада хизмат қиламан. Иқлим шароитимиз иссиқ бўлганлиги туфайли бизда вирусли, юқумли касалликлар кам. Лекин ҳар ҳолда бизга ҳам иш топилиб туради. Шароитимиз яхши, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ.

Ойлик маош ҳақидаги саволимизга Лидия Николаевна яхши, жуда яхши деб жавоб бердилар.

Қозоқ қизча, 16 ёшларда, исмини айтишдан уялди.

— Мен боғчада мусиқадан дарс бераман. Учқудуқ мусиқа мактабини тугатганман.

— Ойлик маошингиз қанча?

— Тўққиз минг.

**Юсуф ҲАМРОЕВ, 14 йилдан буён руда қазиб чиқариш бошқармасига қарашли 1-автоколонна ҳайдовчиси:**

— Руда конининг юк машинасини ҳайдайман, ойлик маошим ўн етти минг...

**Азамат АБДИЕВ, шаҳар транспортини ёқилғи билан таъминлаш бошқармасида хизмат қилади:**

— Ёшлигим Учқудуқда ўтган. Янгангиз билан тунги Учқудуқни энига ҳам, бўйига ҳам пиёда кезганмиз. Ишлашга Хатирчига кетган эдик, Учқудуқни соғиниб, қайтиб келдик.

**Маҳмудахон ИМОМҚУЛОВА, тошкентлик келин, шифокор:**

— Турмуш ўртоғим Рамазон Бебитов бухоролик. Олий мактабни тугатиб, йўлланма билан келганмиз. Уй-жой, иш билан таъминлашди. Мен бу шаҳарни ёқтириб қолдим. Тўғри, Тошкентни жуда соғинаман, аммо Учқудуқ фарзандларимиз туғилган маскан...

**Шариф РАҲМОНОВ, мутахассислар тайёрлаш билим даргоҳи катта ўқитувчиси:**

— Талабаларда билимга интилиш, спортга қизиқиш кучли. Бу ерда кўпчилик бир нечта тилни билади. Ўзбек, рус, корейс болалар қозоқ тилини, қозоқ, озарбойжон болалар ўзбек, рус тилларини яхши билишади. Ўзаро уч-тўрт тилда сўзлашишади. Агар чет тиллардан инглиз, немис ва француз тилларини ўқитишни ҳам йўлга қўйиб юборсак яхши бўларди. Афсуски, мутахассислар етишмайди. Шаҳримиз ёшлари бошқа шаҳарларда кенг тарқалган ҳар хил жангари, даҳшатли, фантастик, ғарбнинг ўзи аллақачон томоша қилмай қўйган кинофилмларни кўрмайдилар. Ёшлар кўпроқ спорт билан шуғулланишади. Учқудуқда совринли спорт мусобақаларини мунтазам уюштириб бориш яхши йўлга қўйилган.

**Ўғилой РАҲМОНОВА, Шариф РАҲМОНОВнинг рафиқаси, уй бекаси:**

— Қизим расм чизишга қизиқади, қани энди битта тасвирий санъат мактаби ҳам бўлса...

Кечга томон билим маскани ўқитувчиси Шариф Раҳмонов бир пиёла чой устида суҳбатга таклиф қилди. Дастурхонда кўкатлар, помидор, бодринг, ҳўл мевалар ва шарқнинг машҳур таомлари муҳайё эди.

Янги дўстларимиз ҳам жамулжам келишди.

**Гулнора РАҲМОН**

# ЮРАККА ЯҚИН ҚЎШИҚ

*Тикланиш одамлари*

Намангандаги иккинчи вилоят туғруқ уйи бош ҳакими, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали акушер-гинеколог Раъно Қосимова ўзининг бутун умрини, меҳнат фаолиятини хотин-қизларнинг сиҳат-саломатлигига, баркамол авлод келажагига бахшида қилиб келади. Оиланинг кенжатойи Раънохон ўзига хос ҳаёт йўлини танлади. Қўлига ҳали олий маълумотли шифокор деган ҳужжатни олмасдан тирикчилик қийинчиликларини енгиш мақсадида даво масканларида турли юмушларни тоқат билан бажарган Раъно учун бу кунлар ҳам ўзига хос тажриба мактаби бўлди. Олтмишинчи йилларда Наманганга келиб иккинчи вилоят туғруқхонасида иш бошлади. Р. Абрамова, Н. Перецвенцева, Т. Холхўжаева ва яна кўплаб малакали мутахассислардан иш ўрганди. Кўп ўтмай ғайрат-шижоатга тўла Р. Қосимовага Давлатобод туманидаги «Шойи» ҳиссадорлик жамияти тиббий сиҳатгоҳи қошида туғруқ бўлими очиш вазифаси топширилди. Раънохон ёнига ўзи каби жонкуярларни олиб, енг шимариб ишга киришди. Дастлаб 40 ўринли бўлган бу давогоҳ кейинчалик 120 ўринга етказилди. Ана шу даврларда, яъни етмишинчи йилларнинг бошларидан Р. Қосимова азалазалдан дилига тугиб юрган ишга киришди. Номзодлик диссертацияси ёқлаш ҳаракатига тушди. «Пахтага сепиладиган заҳарли моддий, кимёвий дориларнинг ҳомиладор аёлларга таъсири» мавзуида илмий изланишлар олиб борди.

— Пахта яккаҳокимлиги ҳукм сураётган шўролар даврида нафақат вилоятимиздаги, республика, иттифоқдаги катта-кичик раҳбарлар бу масаладаги ҳаракатимга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатдилар, — дейди у шу кунларни эслаб. — Оммавий ахборот воситаларида мавзуга оид изланишларимни деярли ёрита олмадим. Шунга қарамасдан илмий раҳбарим, таниқли олим, академик Абдували Имомалиев, москвалик академик Галина Савелева, украиналик В. Трахинберг, тошкентлик Шариф Отабоевлар кўмагида бир амаллаб номзодликни ёқладим. Бунгача турли катта-кичик анжуманларда маърузам билан қатнашдим. Заҳарли кимёвий дориларнинг ёмон таъсири ҳақида аниқ мисоллар билан нутқ сўзладим.

Раънохон опа шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги касаба уюшмалари идоралари фаоли, депутати сифатида ҳам эл орасида ҳурмат қозонган. Уч фарзанднинг бахтиёр онаси, бир-биридан ширин етти набиранинг бувижони.

Вилоят марказининг Уйчи ва Наманган туманлари билан туташ Тахтакўприк даҳасидаги иккинчи туғруқхона учун янги, замонавий бино қад ростлайдиган бўлди. Бунинг учун ташкилотчи, югуриб-елдиган, ишбилармон раҳбар зарур эди. 1986 йилда бошланган ана шу масъулиятли ишга ҳам опа бош-қош турди. Шу тариқа қарийб икки йилда 200 ўринли туғруқхона ишга тушди. Бу даргоҳда кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Неча минглаб оилаларга қувонч улашаётган ушбу шифохонада қанчадан-қанча хурсандчиликлар бўлмади дейсиз.

— Аввало оналар соғлом бўлишсин, — дейди Раъно опа, - ана шунда мустақил юртимизнинг Алпомиш йигитларию, Барчинойдек соғлом фарзандлари дунёга келади. Чақалоқлар дунёга келиши билан ўз оналарининг меҳр сийнасига оғиз тутади, бунинг хислати катта.

Ана, бугун ҳам навбатдаги иш охирлади. Соат миллари тунги бешларни кўрсатяпти, лекин Р. Қосимова раҳбарлигидаги шифокорлар бугун ҳам хизмат юзасидан мижжа қоқишмади. Аммо уларнинг руҳлари тетик, кайфиятлари чоғ. Чунки яна бир онанинг ва чақалоқнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Уйга келиб, ҳали ечиниб улгурмай қаршисидан пешвоз чиққан кенжатойи Дилмурод, келини Гулнорахонлар Раънохонимга хуш кайфият билан рўпара бўлишди. Дарров дастурхон ёзиб, иссиқ чой ва овқат олиб келишди. Дилмурод магнитофон мурватини буради. Раънохоннинг меҳрибон ва мўътабар онаси Ўзбекистон Халқ артисти Мукаррамахоним Азизова ижросидаги юракка яқин қўшиқ — «алла» янгради.

**Алла айтай жоним болам,**
**қулоқ солгин, алла,**
**Ширин аллам тинглаб**
**аста, ухлаб қолгин, алла.**
**Кўзларимдан томган**
**ёшга ҳайрон бўлма, алла,**
**Истиқболинг порлоқ**
**сенинг жажжи қўзим, алла.**

Онанинг оташ нафасини тинглаб юраги ҳаприқиб кетган Раънохоним ўтган умридан, танлаган йўлидан, қилган ишларидан мамнунлик ҳис қилади.

**Турғунбек МАҲКАМОВ, Абдунаби ҚОРАБОЕВ**



СУРАТДА: Раънохоним Қосимова ёш ҳамкасблари даврасида.

*XXI аср ва дунё*

**XXI АСРДА БАРҚАРОРЛИК ВА БИРДАМЛИК:**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — КЕЛАЖАК САРИ

Ҳурматли Президентимиз И. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида: «Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади деган саволлар ўйлантириши табиий», деган эди. У мазкур саволларни қўяр экан, ушбу асарида унга тўлиқ жавоб ҳам беради. Асардаги илмий хулосалар, юртимизнинг порлоқ истиқболи хусусидаги доно фикрлар Қорақалпоғистон Республикасининг XXI асрдаги сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий тараққиёт масалаларига ҳам бевосита боғлиқдир.

Биз ўз мақоламизда И. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғояларга амал қилиб, Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган Қорақалпоғистонга тегишли ва шу орқали Ўзбекистонга ҳам хос бўлган баъзи масалаларга диққат қаратмоқчимиз.

Қорақалпоқларнинг ўзлигини англаш жараёнининг фаоллашуви хавфсизликка таҳдид солмайди. Чунки бу жараён ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаш жараёни билан бевосита ҳамжиҳатлик ва уйғунликда кечади ва бу халқлар ҳамиша бир чашмадан сув ичади. Мазкур жараён ўзбек ва қорақалпоқ халқлари алломаларининг маънавий бирлиги, тарихий ўтмишининг муштараклиги, дўстлик ва қардошлик муносабатлари негизида шаклланиб, ўзаро бирдамлик ва мамлакат миқёсида барқарорликни таъминлайди. Навоий, Беруний Хўжа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломалар, Бердақ, Ажиниёз каби донишмандлар Ўзбекистонда ҳам миллий маънавиятимиз ва маданиятимизнинг гултожи деб баҳоланади. 1998 йилнинг декабр ойида қорақалпоқ халқининг буюк шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллигининг бутун Ўзбекистонда кенг нишонланиши фикримизнинг ёрқин далилидир ва бу тадбир халқларимиз ҳамкорлигининг бир нишонасидир.

**Иккинчидан**: мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш бўлганлиги туфайли, манфаатларимиз ҳам муштаракдир. Ушбу мақсадни тарғиб қилиш, фуқаролик жамиятига ўтиш орзулари халқларни бирлаштиради.

**Учинчидан:** мустақиллик йилларида вужудга келган маданий-маърифий, оила ва никоҳ соҳасидаги янгиликлар, ўз-ўзини бошқариш жабҳасидаги ўзгаришлар қадриятларни баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Мустақиллик даврида пайдо бўлган ўзбек тилидаги матбуот, нашриёт, теле-радио эшиттиришлари ва кўрсатувлари халқларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий манфаатларини бирлаштиради, уни амалга ошириш йўлларини ҳамкорликда излашга чақиради. Қорақалпоғистонда қорақалпоқ тили билан бирга ўзбек тилига ҳам давлат тили мақомининг берилиши, ўзбек синфларида қорақалпоқ тилининг, қорақалпоқ синфларида ўзбек тилининг ўқитилишига катта имконият яратди. Қорақалпоқ ёшларининг Ўзбекистоннинг хоҳлаган ўқув юртларида таълим олишига, ўз навбатида Қорақалпоғистон ўқув юртларида эса ўзбек ёшларининг билим эгаллашларига шароит туғдирди.

Олий ўқув юртларида ўзбек тилида мутахассислар тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Масалан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтига 1995—96 ўқув йилида ўзбек гуруҳларига 36 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 1998—99 ўқув йилида 18 мутахассислик бўйича 328 нафар талаба қабул қилинди. Бу ўқишга қабул қилинган ёшларнинг 35 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бу эса келажакда ёшлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, XXI асрда бу жараённинг янада фаоллашувига замин ҳозирланган бўлади. Аралаш никоҳнинг ўсиб бориши халқларнинг руҳий, маънавий жиҳатдан яқинлашишига, уларнинг бир-бирига бўлган ҳурматининг кучайишига асос бўлади. Айтайлик, фақат Чимбой туманида 1995 йилга нисбатан қорақалпоқ — ўзбек никоҳи 1997 йили 5 баробар, ўзбек-қорақалпоқ никоҳи 1,5 баробар кўпайган.

**Тўртинчидан:** ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги, тарихий бирлиги, бу ҳамкорликнинг мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланиши, унинг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланиши маънавий тараққиётимизнинг гаровидир.

«Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловида янграган

**«Таним ичида жоним**
**Яшагай бу эл омон**
**Ўзбекистон — Ватаним**
**Қорақалпоғистондан бўламан», —**

деган мисраларни Қорақалпоғистоннинг ҳар бир ёши севиб куйлайдиган қўшиққа айланиши юртимизда дўстликнинг нақадар кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Таниқли шоир А. Ориповнинг:

**Мен ўзбек бўлсам, сен қорақалпоқсан,**
**Турклар дунёсида гавҳару дурсан,**
**Мен тупроқ бўлсам, сен ҳам тупроқсан,**
**Ўзбекка азалий қардош инимсан —**

деган шеърини ҳар бир қорақалпоқ ёдлаб, унга амал қилиб, Ўзбекистон учун, Ватан эркинлиги ва мустақиллиги учун курашга даъват этади.

Таниқли Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, И. Юсуповнинг:

**«Элин севган бир ўзбекдан,**
**Кам севсам мен бу ўлкани,**
**Қорақалпоқ деманг, мени» —**

деган шеърий мисралари ҳар бир фуқаро қалбида акс-садо топганлиги туфайли, уни шоир дилига Аллоҳнинг ўзи солгандек туюлади.

Бу омиллар XXI асрда ҳам икки халқ ўртасидаги биродарликни ривожлантиради.

«Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига интилиши ва унинг оқибати» хусусида фикр юритадиган бўлсак, Қорақалпоғистон суверен давлат, унинг ўз Конституцияси, давлат қурилишининг ўзига хос томонлари ва рамзлари бор. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзларини «халқпарвар» деб ҳисоблаган сохта демократлар «Халқ манфаати» деган ижтимоий ташкилот тузишга ҳаракат қилишди. Уларнинг айримлари Ўзбекистондан чиқиш тўғрисидаги фикрларни илгари сурди. Бироқ уларни халқ қўллаб-қувватламади ва уларнинг бу ҳаракатлари асоссиз эканлигини одамлар тушунди. Бу заминсиз уринишлар тезда ўз-ўзидан босилиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистонни суверен давлат сифатида тан олган ва уни ҳимоя қилишни ўз Конституциясида кафолатлайди. Қорақалпоқ халқининг анъана ва урф-одатларини сақлаш, миллий-маънавий қадриятларини тиклаш, ўзига хос маданиятини ривожлантириш, тарихнинг чуқур тадқиқ этилишига шароит яратиш ва унга ҳаққоний баҳо бериш учун ҳамма имкониятлар вужудга келтирилиши назарда тутилган. Буларнинг барчаси XXI асрда қорақалпоқларнинг миллат сифатида Ўзбекистон таркибида бўлишига ва буюк келажакни улар билан ҳамкорликда қуришга, юксак тараққиёт даражасига эришишга имкон беради.

Чунки, «бир отанинг икки ўғли тенгликка турса ҳам, камликка турмайди» деган халқ мақоли бежиз айтилмаган.

И. А. Каримов ўзининг мазкур асарида «Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар» - деган эди.



Ҳақиқатдан ҳам, диний фанатизм ва экстремизмнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Тошкентдаги шу йилги феврал воқеалари кўрсатди.

Динни таъқиб қилиб келган реакцион совет тузуми қулагач, XX аср охирида одамлардаги диний эътиқод тобора авж олди ва исломий таълимот кучайди. Дин ғолиб чиқди. Инсонлар: Худо бор экан-ку, дея шодланишди ва динни ардоқлашди. Худосизликнинг зарарли оқибатларини бошидан кечирган халқ диний эътиқоднинг аҳамиятини яхши англаб етди. Динсизлик туфайли жамиятда алкоголизм, вайронагарчилик, жиноятчилик, ҳалокатлар авж олди, етим гўдаклар, бева аёллар, отабезори ва онабезори болалар, ножўя йўлга кирган қизлар кўпайди. Натижада, одоб-ахлоқ бузилди. Бундай бузилишларнинг олдини олишда диний ахлоқ ўз ўрнига эга.

Шу маънода диний таълимотнинг қадри ошди ва халқ уни юрагига яқин қабул қилди.

XXI асрда ҳам бу жараён бир мунча узоқ давом этади ва унда диний экстремизм инқирозга учрайди. Динни сиёсат билан аралаштирувчилар бўлмайди. Ёшлар эса диний эътиқодларни кураш қуролига айлантирмайди. Бунинг сабаби:

Биринчидан: мамлакатимизнинг ички ва ташқи одилона сиёсати виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун ва умуман кенг эркинлашиш боис янги онг шаклланиши кучаяди. Халқ жамият тараққиётига ҳисса қўшиб, қаддини ростлагандан кейин диний эътиқод анъана сифатида сақланиб қолади.

**Иккинчидан:** Қорақалпоғистон шароитида халқнинг азалдан динга муносабатидаги ўзига хослик сақланиб бораверади, диний экстремизмнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. Бизнинг кузатишларимизга қараганда диний таълимга интилишнинг оқилона бир меъёр касб этаётганлиги, аксарият ёшларнинг кўпроқ дунёвий билимларни эгаллашга ҳаракат қилаётгани ва халқ ҳам буни маъқуллаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

**Учинчидан:** XXI асрда ҳар бир қорақалпоқ ўзини алҳамдулиллоҳ мусулмонман, деб ҳисоблайди ва шу билан бирга одамларнинг динга муносабатида табақалашув давом этади. Яъни диний фанатиклар сони умуман камаяди. Унинг ўрнига динга чин қалбдан ишонган, тақводорлар, яъни динга эътиқод қилиш ҳар кимнинг шахсий иши, деб тушунувчилар сони кўпаяди. Улар дин бизники, ўзлигимиз, фахримиз, деган фикрда бўладилар. Кўпроқ, унинг дунёвий аҳамиятини ватанпарварлик руҳида баҳолайдилар. Улар Аллоҳ дилимизда, қўлимиз ишда, Аллоҳга ибодат қилиш билан бирга дунёвий билимларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишни, илмий-техник прогрессни биринчи ўринга қўядилар. Натижада, инсоннинг қалбида тошбағирликдан кўра, меҳрибонлик нури ортади. Унинг одоб-ахлоқи такомиллашади.

Лекин ўтиш даврида худбинлик, пул учун қотиллик қилиш, ўғрилик, безорилик каби ҳолатлар учраб туриши табиий. XXI асрда ҳуқуқий демократик жамият кучайган сари бундай иллатлар камая боради. XXI асрда, гиёҳвандлик наркобизнес, ёвузлик, одобсизлик ва бошқа салбий иллатларга қарши жиддий курашишга тўғри келади.

Зўравонлик, оқибатсизлик, ёвузликни тарғиб этувчи жангари филмлар йўлига ишончли тўсиқ қўйиш пайти етди. Чунки улар, руҳий қашшоқликни келтириб чиқарадилар. Агар зўравонликлар одобсизликнинг отаси деб ҳисобласак, маънавий пасткашлик унинг онасидир... Шунинг учун Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш йўлидаги Президентимиз И. А. Каримовнинг шиор ва даъватларини амалга оширишнинг аҳамияти янада ортади. Эркинлик ортган сайин масъулият ҳам кучаяди. Оммавий маданият даражасини кўтармалаб, уни демократиянинг бир кўриниши деб ҳисобловчи мамлакатларнинг бир шоири айтганидек: Муҳаббат сексга айланди, секс савдога айланди, савдо дўстликка айланади деганларнинг таъсиридан сақланишга тўғри келади.

XXI асрда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда Қорақалпоғистонга ҳам алоҳида аҳамият берилади: Сода заводининг ишга тушиши, газ, нефт конларини ўзлаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистондаги ер ости бойликларининг, ер заҳирасининг кўплиги, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун яхши имконият яратади.

Барча халқлар учун муаммо бўлган Орол инқирозига келсак, уни қайта тиклаш, Орол атрофининг экологик шароитини яхшилаш мумкин. Бунинг учун денгиз тубидан ҳар йили ҳавога кўтарилаётган 150 миллион тонна тузли чангни тўхтатиш учун ҳар хил илмий усуллар, фито милиоратив тадбирлар олиб борилади. Оролни тўла сақлаб қолиш имконияти бўлмагани учун унинг кичик бир қисмини делта билан боғлаш орқали юзлаган чақиримни дамбалаб ҳавзаларга сув юбориш, унда балиқчиликни йўлга қўйиш, мўйна етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлади. Тупроқнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун ва аҳолига сифатли ичимлик суви бериш мақсадида Амударё бўйлаб Қашқадарёдан Оролгача коллектор қазилади, фақат чучук сув билан тўла таъминлаб, чангтўзондан аҳолини қутқариб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали халқнинг ирсиятини сақлаш, соғломлаштириш, ҳозирги касалликлар сонининг камайишига эришиш мумкин. Халқда шундай ҳикматли сўзлар бор, «Сув йўқолган жойда ер ҳам йўқолади, ер йўқолган жойда ҳаёт ҳам бўлмайди». Мендан қанча ер бор деб сўрама, қанча сувинг бор деб сўра». Демак сув масаласи — бу ҳаёт масаласи, халқаро масала.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Аминманки, мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиётида, маданият ва сиёсатида муносиб ўрин эгаллаш учун тарихий имкониятларга эга» деган сўзлари Қорақалпоғистон халқига ҳам тегишли ва бунинг учун барча шароитлар мавжуд.

**Жуманазар БОЗОРБОЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор**



Мана, ёз ҳам келди...

# ВАТАН ТУЙҒУСИ

Дунёда номи тилга олинишиданоқ киши вужудига самимий илиқлик, ғурур, яна қандайдир англашилмайдиган соҳирий кечинмалар олиб кирадиган битта сўз бор: бу катта ҳарфлар билан ёзилувчи ВАТАНДИР!

Барча халқлар ўз тақдири, руҳи, ғурур-ифтихори, қудрати, орзу-интилишларини Ватан тимсоли билан мужассамлаштирадилар. Унинг мустақиллиги, дахлсизлиги, тинчлиги, барқарорлиги учун арслонсифат йигитлар, тўмариссифат қизлар жонини ҳам аямаганлар. Ватанга муҳаббат туйғуси она сути ва алласи билан, юрт суви ва ҳавоси билан қонга киради. Шунинг учун ҳам бу мўътабар туйғу бир умрга унутилмайди. Агар унутилса эди,

**Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,**
**Ҳар ишниким айладим хатолиғ бўлди.**
**Ўз ерни қуйиб Ҳинд сори юзландим,**
**Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди, —**

дея олис Ҳинд мамлакатида Мирзо Бобур подшоҳ ҳолига юм-юм йиғлаб ўтирмасди.

Агар унутилса эди, машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор Москов хастахонасида ўлим билан олишаётган дамларда, ўзини кўргани борган Шуҳрат домлани ёнига имлаб: «Юзингизни менга яқинроқ келтиринг. Тошкентнинг ҳавосини олиб келгансиз», — дея интиқланмаган бўларди. Агар унутилганда эди, Ҳабибий домла Эронга борганда бир юртдошимиз унинг бошидаги Қўқон дўпписини бир ҳидлаш илинжида ортидан соя янглиғ эргашиб юрмасди. Агар унутилса эди, Рудакийнинг бир шеърини уд ёрдамида тинглагач, Наср ибн Аҳмад Марвдаги шоҳ-жаҳон қароргоҳини ташлаб, беихтиёр Бухорога уй кийими ва кавши билан отга миниб бир манзил йўл босмаган бўларди. Агар унутилса эди, жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳазратлари узоқ сафардан қайтганларида бутун аскарлари билан отдан тушиб, Самарқанд тупроғини кўзга сурмасди. Агар унутилганда эди, фазогирлар коинот сафаридан қайтгач, она Ерни қучиб ўпмасди...

Қадим замонларда Ажам томонларга ўз ихтиёрисиз олиб кетилган бир уста бўлган экан. У шунчалик санъаткор эканки, етти иқлим одамлари унинг маҳоратига таҳсинлар ўқир эканлар. Юрт подшоси уни ўз шуҳрати йўлида тинмай ишлатишга, янги-янги қасрлар бунёд қилишга ошиқарган. Бахтга қарши ўша ҳунарманд бир куни бетоб бўлиб қолибди. Тургани ҳоли, сўзлагани мажоли қолмабди. Бу ҳол подшоҳни қаттиқ ташвиш ва изтиробга солибди. Дунёнинг турли томонларидан келган номдор табибу ҳакимлар бевақт келаётган ажал билан олишиб, барча чора-тадбирлар зое кетгач, иложсиз қолишибди. Уста эса тамом ҳолига келибди. Шу пайтда Турон заминдан бир табиб етиб бориб, беморни кўриш тараддудида бўлибди. Чиқмаган жондан умид дея уни ичкарига киритишибди. Қараса аҳвол чатоқ. Қон совиб, кўзлар сўниб бормоқда эди. «Мен Турондан келиб эдим, мана бу ўт ҳар дардга даводир, шуни бир ҳидласангиз бўларди», — деб сўзлашга тушибди табиб. Воажабо! Шу пайтда кўз ва қулоқ ишонмайдиган бир воқелик юз берибди. Бемор бир инграниб, бор мадорини йиғиб табибга боқибди. Нурсиз кўзига табиб фаришта, унинг қўлидаги ўт жаннат гули бўлиб кўринибди. Чуқур хўрсинибди — ҳаво ўпкага, хаёл ўлкага кетибди. Ўпкаси тўлибди, ўзи билан ўзи бўлибди. Шунда беихтиёр юрагининг қаъридан бир ўтли нидо отилиб чиқибди: «Эй яратган эгам, минг бора розиман, юртим нафасига етказдинг!» Кўкатни ҳидлаб узоқ йиғлабди. Шундан сўнг кунлар ўтибди. Муродбахш дамлар етиб келибди. Беҳисоб олтинлар ҳисобига келтирилган табибу дори-дармонлар тузатолмаган дардни юртнинг бир заррача муждаси тузатиб юборибди.

Бу сатрларни битар эканман, ихтиёрсиз кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Дийдамни бўшатиб олдим. Мен уларнинг шарҳи қисматига мунгланиб ўтирибману, у бағри яримта бечоралар бу янглиғ ўтли қисматга қандай чидади эканлар?

Шу аснода ярқ этиб бир нарса — бугунги ватангадолар, чет элларда юрган бузғунчи шахслар хаёлимга келди, пайдар-пай ёғилиб келаётган саволлар мени безовта қилди: улар қалбида ҳам юрт меҳри бормикин? Юрт соғинчи адо қилмайдимикин уларни? Ундайда дардли ўкирикларини эшитмасмидик? Ундайда бошини эгиб, тавба-тазарру қилиб киндик қони тўкилган тупроқни ўпиш, қадрдон эли қучоғига интилиш ҳаракатида бўлмасмидилар? Дарахт бир жойда кўкаради деган гап бор. Бу аслида инсон учун айтилиши керак бўлган ҳикмат. Агар юрт меҳри, Ватан туйғуси бўлмаса эди осиёлик саҳрони, русиялик ўрмону музликларни, занжилар Африқони макон тутмасди. Шунинг учун ҳам Навоий ҳазратлари айтганларда:

**Ватан таркини бир нафас айлама,**
**Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.**

Бир донишманддан «Бахт нима?» деб сўраганларида, у: «Туғилган тупроққа қўмилмоқ?» — деб жавоб берган экан. Шунинг учун ҳам ёши улуғ кишилар Тангри таолодан ўз ватанида ўлишини, ўлгач гўридан қўзғатмасликни илтижо қиладилар. Бу гапларда беҳисоб ҳикмат бор. Тарих суронлари, тақдир эврилишлари оқибатида қанчадан-қанча алломалар, қанчадан-қанча жангчилар ўзга тупроқларда қолиб кетдилар. Уларнинг ёниқ руҳлари қиёмат қадар бу қисматдан озорланмайди деб ўйлайсизми? Шунинг учун ҳам Навоий ҳазратлари оҳ қилмишлар-да:

**Навоий, сен киму ишрат майи, билмасмусенким, ит**
**Агар қон ичса ҳам, боши керактур ўз ялоғинда.**

Шунинг учун ҳам доно Махтумқули лутф қилмишлар-да:

**Ўзга юртда султон бўлиб юргандан,**
**Урса, сўкса, хўрласа ҳам эл яхши!**

Шундай эмасми?..

**Зиёвуддин ҚЎЗИЕВ**

**Хатирчи**

# ПУШКИН ВА ЧЎЛПОН

**Адабиёт тарихининг шундай буюк намояндалари борки, уларнинг ижодиёти ўз моҳиятининг умумбашарийлиги, бадииятининг юксаклигига кўра бир миллатнинг ва бир даврнинг эмас, барча эллар, барча замонларнинг ардоқли мулки, фахри ҳисобланади. Шу кунларда таваллудининг икки юз йиллиги дунё бўйлаб, жумладан республикамизда кенг нишонланаётган буюк рус шоири Александр Сергеевич ПУШКИН ижоди ҳам ана шу сирага мансуб.**

Адабий таъсир бўлмаса, адабиёт тараққий этмайди. Бу ўринда акад. В. М. Жирмунскийнинг «бир адиб ижодининг иккинчи бир адиб ижодига бевосита таъсири. Ҳақиқий маънодаги адабий таъсир мана шудир» деган қайдини келтириб ўтиш жоиз. Мана шундай бевосита таъсирланиш адабий алоқанинг биринчи ва энг муҳим кўриниши, дейиш мумкин.

Дунё адабий тараққиётида бошқа халқ шоири ёки ёзувчиси ижодида мавжуд мотивлар ва ҳатто сюжетлардан фойдаланиб оригинал асарлар ёзиш ҳодисаси кўп учрайди.

Шуниси қизиққи, ҳар бир миллий адабиётнинг «ички ҳаёти»да ҳам бундай ҳодисалар сероб. Чунончи А. С. Пушкиннинг «Ўлик бекач ва етти баҳодир ҳақида» шеърий эртагини эсласак, унда шоҳнинг хотини ўлиши, унинг ўрнига келган янги маликанинг сеҳрли бир кўзгуси борлиги, бу малика вақти-вақти билан кўзгудан ер юзида яна бирон ўзи каби гўзал аёл борми-йўқми, сўраб туриши нақл қилинган. Шоҳнинг етим қизалоғи вояга етгач, ҳусни камол топиб, ўгай онасидан гўзалроқ бўла бошлаганини кўзгудан уққан ёвуз хотин дунёда ўзидан бошқа бирон гўзал аёл қолмаслиги учун уни ўлдириш пайига тушиб, шум кампирни ёллайди.

Энди Сергей Есенин шеърларидан биридаги мана бу тўртликка эътибор беринг:

**Агар ундан бўлса зиёда,**
**Мен гулларни қирардим буткул,**
**То қолмасин ёруғ дунёда**
**Шаҳинамдан гўзалроқ бир гул...**

Бу ҳам бояги мотивнинг айнан ўзи; фақат ёвузликни қоралаш эмас, гўзалликни тараннум этиш хусусияти етакчи ўринга чиққан. Демоқчимизки, бир ижодкор асарида бошқа адиб асарларига хос мотивлар учраса, бу билан асарнинг оригиналлигига асло путур етмайди, балки бу ҳол сўз санъати тараққиётининг ўзига хос белгиларидан саналади.

Биз айни мақолада ўзбек шеъриятининг ёруғ юлдузи бўлган Чўлпоннинг машҳур бир шеърининг дунёга келиш омиллари ва унга рус поэзиясининг қуёши А. С. Пушкиннинг ҳозиргина дарж этилган шеърий эртаги таъсири борасида сўз юритмоқчимиз.

Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри, шубҳасиз, унинг кўнгилга энг яқин, ҳиссиётга тўлиқ шеърларидан биридир. Лирик қаҳрамон суйганини топа олмай, қоронғу кечадаги энг ёруқ юлдуздан (биринчи бандда), тўлин ойдан (иккинчи бандда), эрта тонгда сарсари эсган еллардан (учинчи бандда), кенг оламни нурафшон қилиб осмонда порлаган қуёшдан (тўртинчи бандда) ёрини бирма-бир сўроқлайди. Уларнинг ҳеч қайсиси шўрлик ошиққа дилдорини топиб беролмай, хижолат бўлганидан уялиб қочмоққа тиришарканлар, бир нарсани якдил таъкидлайдилар: суйикли ёр чарақлаган юлдуздан ҳам, моҳи анвардан ҳам, мунаввар хуршиддан ҳам гўзал... Шеър шундай якунланади:

**Мен йўқсул на бўлиб уни суйибман?**
**Унинг-чун ёнибман, ёниб куйибман.**
**Бошимни зўр ишка бериб қўйибман.**
**Мен суйиб... Мен суйиб... кимни суйибман?**
**Мен суйган суйикли шунчалар гўзал,**
**Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!**

Шеърнинг мурожаат шаклида бироз ўзгариш ҳам кўринади: шоир асар бошланишида «энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман» деса, сўнгги бандга келиб «уни суйибман», «унинг-чун» дея суйиклисига эмас, бизга юзланади. Бунда ҳам бир мантиқ бор: суйикли ёр тобора узоқлашаётир, уни дастлаб соддадиллик билан ўйлаганидай юлдузгина эмас, пировардида ҳатто офтоби оламтоб ҳам топиб беролмай қолади-да... Шоир шунда бизга хитоб қилиб, дарддошликка тортади, ҳасратланади. Ва эҳтимолки, бениҳоя гўзал суйиклисига — тилаган муродига етказишимиздан умидланади ҳам. Шеърнинг охирида умидсизлик ҳам, умидворлик ҳам баравар... жавдираб тургандай.

Шоирнинг, етолмай, ишқида ҳасратлар чеккан суйиклиси ким ўзи? Бу ёрнинг фақат биргина белгиси бор: у беқиёс даражада гўзал! Бир туркум шеърхонлар уни заминий муҳаббат йўриғида ҳарорат билан битилган бир бадиа, бинобарин ҳадафи ҳам соҳибжамол бир қиз деб талқин этсалар, бошқа бир туркум ўқувчилар унда рамзий маънолар ҳам кўриб (шеър матни бунга тўла асос беради), бу гўзал — руҳ озодлиги, ёинки ватан ҳуррияти дея, учинчи қисм муҳиблар эса, бу Ўзбекистоннинг ўзи, яъни гўзал Ватан ҳақидаги символик шеър, деб айтадилар.

Жаҳон ва рус бадииятидаги ҳар бир янгиликни диққат билан ўрганган ва ўз даврининг энг илғор, ҳурфикр ижодкорларидан бўлган Чўлпонда мазкур шеър яратилган (1919) йилларда символизмга яқинлашиш ҳам бўлгани — ҳақиқат. Бунга шоирнинг ўша йилларда ёзган ўнлаб символик руҳдаги шеърлари далил бўла олади.

Эътибор қилсак, шоир биринчи бандда ёрини юлдуздан, иккинчи бандда ойдан, кейингисида шамолдан ва ниҳоят қуёшдан бирма-бир сўроқлаб чиқади. Шунда дафъатан А. С. Пушкиннинг «Ўлик бекач ва етти баҳодир ҳақида» шеърий эртагида ҳам шунга ўхшаш воқеа борлиги кишининг эсига тушади.

Ёдингизда бўлса, Пушкин бу шеърий эртакда навниҳол Маликанинг Шум кампир ҳадя қилган заҳарли олмани еб вафот қилиши, етти оға-ини баҳодирлар уни ерга қўйишга кўнгиллари бўлмай, шиша тобутга солиб, ғордаги салқин бир ғор ичига қўйганларини тасвирлайди. Унинг унашилган ёри бўлмиш Шаҳзода Маликанинг йўқолганини эшитиб, ҳар ёқдан ахтаради. Топа олмайди, сўроқлаган одамларининг бирови унга ачиниб, бирови эса кулиб қарайди. Ёри кўйида девонавор бўлган Шаҳзода Маликани кўрганмикин дея аввал қуёшдан, кейин ойдан, шамолдан ҳам сўраб чиқади. Шамол йигитга тоғдаги салқин бир ғор ичида Малика мангу уйқуда ётганини айтади. Шаҳзода ғорни топиб, шиша тобутга ўзини уради. Шиша чил-чил синиб, Малика тирилади.

Дарвоқе, мазкур эртакда рамзий маънолар йўқ ва унда лирик шеърга хос ҳиссиёт ларзалари ҳам мавжуд эмас, у назмда чиройли ифода қилинган оддий бир эртак, холос. Бироқ бу эртакда бояги этюдлар айнан бор эди — ўз ёри бўлмиш ёш Маликани излаб юрган Шаҳзода ҳеч кимдан тайинли жавоб ололмагач, қуёшдан сўраб ёлворади, қуёш эса уни учратмаганини айтиб, ойдан сўрашни маслаҳат беради. Қоп-қоронғу тунда (эътибор беринг: Чўлпонда «Қоронғу кечада...») ошиқ ёрини ойдан сўроқлайди. Ой ҳам лолу малул бўлиб, уни шамолдан (!) сўраш кераклигини айтади. Пировардида ошиқ йигит қудратли шамолга хитоб қилиб, ёрини дараклайди. Шамол унга суйиклиси тоғ ичидаги бир ғорда тобутда ётганини (яна эътибор беринг: Чўлпонда «Тоғу тошлар ичра...») айтади.

Биз замонавий ўзбек шеърияти Чўлпоннинг бу асари Пушкиннинг боя эслатилган «Ўлик бекач ва етти баҳодир ҳақида» эртагининг бевосита таъсирида ижод этилган, деган фаразни илгари суриб, шу нуқтаи назар фойдасига бир неча далил келтирмоқчи эдик.

1. Пушкиннинг мазкур шеърий эртагидан бошқа (бизга маълум бўлган) ҳамма манбаларда ошиқ йигит ойга, қуёшга, юлдузлар ва ҳоказоларга хитоб қилади, аммо улар — сукутда. Уларнинг ошиққа жавоб бериши, жонлантирилиши фақат Пушкин билан Чўлпонда бор.

2. Бошқа манбаларда шамол образи мавжуд эмас. Бу образ фақат Пушкин билан Чўлпонда учрайди ва шу икки муаллифнинг асаридагина ошиқнинг шамол билан мулоқотига муайян бир банддан ўрин ажратилган.

3. Фақат Пушкин билан Чўлпонда мазкур образлар (ой, қуёш, юлдузлар ва шамол) миқдори тўрттадан.

4. Фақат Пушкин билан Чўлпоннинг қиёсланаётган асарларидагина ошиқ йигит хитоб қилган объектлар (Ой, юлдуз ва ҳ.) ёрининг дарагини айта олмагач, хижолат бўлиб, уни бошқасига йўллайдилар. Бошқа манбаларда эса мухотиблар — бефарқ.

5. Ҳар икки асарда шамол образи айнан тоғ тасвири билан тўлатилган (Пушкинда шамол Маликани тоғдаги бир ғорда тобутда эканини билдирса, Чўлпонда шамол суйикли ёрни «тоғу тошлар ичра истаб» юришини, кўра олмаётганини айтади).

Йигирманчи асрнинг биринчи чораги — ўзбек адибларининг рус адабиётидан ошиғич ўрганиш даври, ундан янги мавзулар, талқинлар, метод ва жанрларни ижодий қабул қилиш йиллари эди. Бу жараёнда ўша йилларда қизғин ижод қилган, ўқиш-ўрганиш чоғлари эса рус-тузем мактабларида ўтиб, улуғ рус шоири ижоди билан яхши таниш бўлган ўзбек адибларининг Пушкин ижодига кўп мурожаат қилганликлари табиий. Пушкин ижоди янгича, реалистик метод йўриғида ижод қилишга киришган ўзбек адабиёти учун ибрат бўла оладиган энг биринчи мактаб эди. Ўша йилларда яшаб, қизғин ижод қилган қарийб барча ўзбек адибларининг қалами Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, Пушкиндан ўрганиш орқали қайралган.

Чўлпоннинг ўзига келсак, у Пушкининг «Борис Годунов» шеърий трагедиясини, «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида» шеърий эртагини, «Дубровский» қиссаси ва кўплаб шеърларини таржима қилган. Бунинг учун у Пушкин асарлари ва улар ҳақидаги илмий манбаларни синчиклаб ўрганган. Бу изланишлар Чўлпоннинг оригинал ижодиётига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Ошиқ йигитнинг ёр ҳажридаги изтироблари беҳад ортиб, уни қуёшдан, ойдан, юлдузлар ва шамолдан сўроқлаши мотивини Пушкиндан олгани ҳолда Чўлпон мазкур бебаҳо ва мутлақо оригинал шеърини яратган.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

# ЎЛЧОВДАН ҚОЧГАНГА ТАШВИШ БОР

## «Алпомиш» достонида бозор муносабатлари

«Алпомиш» достонида ҳунармандчиликка оид ўнлаб маҳсулотлар тилга олинган. Улардан баъзилари уй-рўзғорда ишлатишга мўлжалланган бўлса, баъзилари махсус буюртма асосида ишланган, бозорда сотиш учун тайёрланган буюмлардир.

Ҳунармандчилик аслида чорвачилик ва деҳқончиликдан ажралиб чиққан соҳадир. Айрим чорвадорлар бўш вақтларида ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, Алпомиш чанқовуз чалишни билган. Зиндонда ётган пайтида шу мусиқа асбобини ясаган. Дўсти Кайқубод уни зиндондан олиб чиқиб, бозорда сотган. У ўз буюмини, ҳозирги тил билан айтганда қуйидагича реклама қилган:

**Қалмоқ юртининг бувишлари,**
**Қизларнинг кўнгил хушлари,**
**Келиб кўр қалмоқ қизлари,**
**Чанқовузим, бию, бию.**

**Ол олма, қизил олма,**
**Олар бўлсанг қуруқ қолма.**
**Бу созимдан қуруқ қолма,**
**Э, олмоққа ишқинг борми?!**

Қалмоқ шоҳига қарам ҳудудларда катта-кичик туман ва шаҳарларнинг бозорлари бўлган. Улардан бири — Янгибозор шоҳининг қизи Тавка ойим тасарруфида бўлган. У бозорда кучли назорат ўрнатади. Канизларига шундай топшириқ беради:

**Ҳаяллламай янгибозор боринглар,**
**Косибларнинг тарозисин кўринглар.**
**Тошини тўғрилаб бунда келинглар!**

**...Ҳар қайсисин сўраётган иши бор,**
**Ўйнаб кулиб бундай йўлда боради.**
**Бозор қизиганда етиб қолади,**
**Бир растадан қизлар кириб кўради.**
**Аввал бориб баззозларни тергади,**
**Қалами бозорга энди боради.**
**Қаламисин бунда ўлчаб кўради,**
**Ўлчовдан қочганига ташвиш беради.**
**Шундай қилиб тергаб ўтиб боради.**
**Бундан ўтиб қассобликни кўради,**
**Тошини тўғрилаб қизлар туради,**
**Тоши енгил чиқса таъзир беради,**
**Бир хил қассоб кўзи аланглаб туради,**
**Қассоб бозорини қаттиқ тергади,**
**Тоши енгил келса, дарра уради,**
**Қассоб бозорини тамом қилади.**
**Қўй бозорига энди ўтиб боради,**
**Одамларни ақли шошиб қолади...**

Бозорни текширган канизлар Тавкага шундай ҳисобот беришади: «Баққол, косибларнинг тош-тарозисини тўғрилаб, қўй бозорига ўтдик. Уни ҳам тергаб кўрдик, озроқ фойдаси билан сот, деб гапирдик».

«Алпомиш»да олтин товар-пул муносабатларида бевосита алмашув воситаси сифатида тилга олинади. Асарнинг 215-саҳифасида қуйидаги суҳбатни ўқиймиз.

Тавка ойим сўради:

— Отамнинг қўйини қанчадан боқиб юрибсан?

Кайқубод айтди:

— Отангнинг қўйини олти ойга саккиз тиллодан боқиб юрибман.

Демак, ўша даврда танга зарб қилинмаса ҳам, товар маҳсулотлар олтин орқали баҳоланган. Баҳо белгилашда маҳсулот тайёрлашга сарфланган меҳнат ҳисобга олинган.

Достонда мамлакатдаги ички, шу билан бирга, шаҳарлараро ва мамлакатлараро бозор муносабатлари ҳам ўз ифодасини топган. Савдо карвонларининг турли мамлакат ва халқларни бир-бири билан боғлашдаги аҳамияти ҳаққоний тасвирланган. «Йўл бўлсин?» деган саволга карвонбоши қуйидагича жавоб беради:

**Ҳар шаҳарман шу шаҳарга юраман,**
**Тойчихоннинг мамлакатин кўраман,**
**Юриб ўзим савдогарлик қиламан.**
**Қалмоқлар шаҳридан чиқиб келаман,**
**Асли ўзим канжиғали бўламан,**
**Бойсун шаҳарига кетиб бораман,**
**Беҳад молни шаҳардан оламан.**
**Мен ҳам мато кимхоб излаб бораман.**
**Бойсун бозорига молим соламан...**
**Сўрасанг, гапингга жавоб бераман,**
**Мени билсанг, асл ўзбек бўламан,**
**Мен билмайман неча кунда бораман,**
**Элда юрган мен бозорчи бўламан.**

«Алпомиш»да савдогар меҳнати мураккаб ва машаққатли эканлигини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилади;

**Юраётир бу карвонлар тўп бўлиб,**
**Ўғри-газандага жуда кўп бўлиб,**
**Бир-бирига айтган сўзи эп бўлиб.**
**Карвонлар борди бир тўзон бўлиб.**

Савдогарлар қийинчиликларни енгиб, мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатишга ва уни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшадилар. Улар фақат Марказий Осиё доирасидагина эмас, балки Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва бошқа мамлакатлар билан алоқа боғлайдилар. Бу келгусида дипломатик алоқаларнинг шаклланишига туртки бўлади.

«Алпомиш»да тасвирланган мамлакат ва шаҳарлараро иқтисодий алоқалар ўлкамиз қадим замонлардан бери савдо бўйича жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўрин эгаллаганини кўрсатади. Бинобарин, биз халқимизнинг янги тарихини яратар эканмиз, қўлёзмаларда акс этган маълумотлар билан бир қаторда фолклор манбалардан ҳам кенг фойдалансак, фойдадан холи бўлмайди.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**



Наслли мол — асл мол.
Тургунбек МАҲҚАМОВ олган суратлар.

